## Ўзбекистон Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва экология сиёсатини тартибга солиш ҳамда амалга ошириш

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Давлат экология қўмитаси) экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат экология қўмитасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни қайта тиклаш соҳасида давлат бошқарувини олиб бориш;
- атроф муҳитнинг қулай экологик ҳолатини, экологик тизимлар, табиий комплекслар ва алоҳида объектлар муҳофаза қилинишини, экологик шароитнинг соғломлаштирилишини таъминлаш;
- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан мустаҳкам ҳамкорликда маиший чиқиндиларни йиғиш, ташиш, утилизация қилиш, қайта ишлаш ва кўмиш борасида таъсирчан тизимни ташкил этиш;
- ер, ер ости бойликлари, сув, ўрмонлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан давлат экологик назоратини ўрнатиш;
- экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштириш, табиатни муҳофаза қилиш ва

## Регулирование и реализация природоохранной и экологической политики в Республике Узбекистан

Государственный комитет Республики Узбекистан по экологии и охране окружающей среды (далее – Госкомэкологии) является органом государственного управления в сфере экологии, охраны окружающей среды, рационального использования и воспроизводства природных ресурсов.

Основными задачами Госкомэкологии являются:

- государственное управление в сфере экологии, охраны окружающей среды, рационального использования и воспроизводства природных ресурсов;
- обеспечение благоприятного экологического состояния окружающей среды, охраны экологических систем, природных комплексов и отдельных объектов, оздоровления экологической обстановки;
- осуществление государственного контроля за соблюдением законодательства в области обращения с отходами, организация действенной системы сбора, транспортировки, утилизации, переработки и захоронения бытовых отходов при тесном взаимодействии с органами государственной власти на местах и органами самоуправления граждан;
- государственный экологический контроль за соблюдением законодательства в области охраны и использования земель, недр, вод, лесов, охраняемых природных территорий, животного и растительного мира, охраны атмосферного воздуха;
- координация работ по экологии и охране окружающей среды, обеспечение

ресурсларни тежаш борасида ягона сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда идоралараро ҳамкорликни таъминлаш;

- экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат кадастри ва мониторингини, шунингдек, ёввойи ҳайвонлар, ёввойи ўсимликларни кўпайтириш ва сақлаш питомникларининг, зоология ва ботаника коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш;
- экологик тарбия, тарғибот ва таълимни, шунингдек, экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида мутахассисларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактика ўтказиш;
- экология ва атроф муҳит муҳофазаси масалаларида жамоатчилик ва фуқаролик жамияти институтлари билан мустаҳкам ҳамкорликни, қулай атроф муҳитга бўлган фуқаролар ҳуқуқини таъминлаш.

Мамлакатимизда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолатни яхшилашни таъминлаш соҳасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларини белгилаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилишлари профилактикаси, уларни аниқлаш ва олдини олишнинг самарали механизмларини жорий этиш, республика аҳоли пунктларининг санитария ва экологик ҳолати учун давлат органлари, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва фуқароларнинг шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва

межведомственного взаимодействия при разработке и реализации единой природоохранной и ресурсосберегающей политики;

- ведение государственного кадастра и мониторинга в сфере экологии и охраны окружающей среды, а также государственного учета питомников по разведению и содержанию диких животных, дикорастущих растений, зоологических и ботанических коллекций;
- организация экологического воспитания, пропаганды и просвещения, а также переподготовки и повышения квалификации специалистов в сфере экологии и охраны окружающей среды;
- профилактика правонарушений в сфере охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов и обращения с отходами;
- обеспечение тесного взаимодействия с общественностью и институтами гражданского общества в вопросах экологии и охраны окружающей среды, прав граждан на благоприятную окружающую среду.

В стране проводится последовательная работа в области обеспечения охраны окружающей среды, рационального использования природных ресурсов, улучшения санитарной и экологической обстановки.

В целях определения приоритетных направлений государственной политики в области охраны окружающей среды, внедрения эффективных механизмов профилактики, выявления и пресечения нарушений природоохранного законодательства, усиления персональной ответственности руководителей государственных органов и хозяйствующих субъектов, граждан за санитарное и экологическое состояние населенных пунктов республики, а также обеспечения

вазифаларга эришишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги ПФ-5863-сон Фармони билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланган.

Мазкур Концепция ўзида:

- атроф муҳит объектларини (атмосфера ҳавоси, сув, ер, тупроқ, ер қаъри, биохилма-хиллик, қўриқланадиган табиий ҳудудлар) антропоген таъсир ҳамда бошқа салбий таъсир қилувчи омиллардан сақлаш ва сифатини таъминлаш;
- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;
- қўриқланадиган табиий ҳудудларни кенгайтириш;
- заҳарли кимёвий ва радиоактив моддалардан экологик хавфсиз фойдаланишни таъминлаш;
- чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишнинг экологик хавфсиз тизимини такомиллаштириш;
- аҳолининг экологик маданиятини шакллантириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат органлари фаолиятининг шаффофлик даражасини ошириш ва фуқаролик жамиятининг ролини кучайтириш чора-тадбирларини қамраб олган.

Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан уч йил муддатга алоҳида-алоҳида тасдиқланадиган «йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

Концепциянинг амалга оширилиши натижасида 2030 йилда:

достижения Национальных целей и задач в области устойчивого развития на период до 2030 года, в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 30 октября 2019 года № ПФ-5863, утверждена Концепция охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года, предусматривающая меры по:

- сохранению и обеспечению качества объектов окружающей среды (атмосферного воздуха, вод, земель, почв, недр, биоразнообразия, охраняемых природных территорий) от антропогенного воздействия и иных негативно воздействующих факторов;
- приоритетному использованию материалов, продукции, производственных и иных объектов, представляющих наименьшую экологическую опасность;
- расширению охраняемых природных территорий;
- обеспечению экологически безопасного использования токсичных химических и радиоактивных веществ;
- совершенствованию экологически безопасной системы обращения с отходами;
- формированию экологической культуры населения, повышению уровня прозрачности деятельности государственных органов в сфере охраны окружающей среды и усилению роли гражданского общества.

Данная Концепция реализуется поэтапно на основе отдельно утверждаемых Кабинетом Министров Республики Узбекистан на трехлетний срок «дорожных карт» исходя из достигнутых результатов, целевых показателей и основных направлений охраны окружающей среды на соответствующий период.

– Орол денгизининг қуриган тубининг Ўзбекистондаги қисмида ўрмонзорлар майдонини унинг жами ҳудудига нисбатан 60 фоизгача етказиш;
– қишлоқ хўжалигида сув ресурсларини йўқотишни 10 фоизга камайтириш;
– қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини (солиштирма гектарга нисбатан) 15 фоизга камайтириш;
– оқава сувларини тозалаш самарадорлигини 80 фоизгача ошириш;
– атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарилишини 10 фоизга камайтириш;
– транспорт воситаларининг 80 фоизини газ-баллон ёқилғиси ва электр энергиясида ишлашга ўтказиш;
– ўрмонзорлар билан қопланган ўрмон фонди ҳудудини 4,5 млн гектаргача кенгайтириш;
– IV тоифадаги қўриқланадиган табиий ҳудудлар майдонини 12 фоизгача кенгайтириш;
– Қизил китобга киритилган ва питомникларда парвариш қилинган чиройли тувалоқларни табиатга қўйиб юборишни йилига 4000 гача кўпайтириш;
– аҳолини қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари билан 100 фоиз қамраб олиш;
– ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини 65 фоизгача кўпайтириш;
– алоҳида хусусиятга эга чиқиндилар (таркибида симоб бўлган чиқиндилар, автошиналар, аккумуляторлар, ишлатиб бўлинган мойлар, қадоқлар чиқиндилари ва бошқалар)ни қайта ишлаш ҳажмини 30 фоизгача кўпайтириш кутилмоқда.

В результате реализации Концепции к 2030 году ожидается:
– доведение площади лесопосадок на узбекской части высохшего дна Аральского моря до 60% его территории;
– сокращение потерь водных ресурсов в сельском хозяйстве на 10%;
– сокращение водопотребления в сельском хозяйстве (на удельный гектар) на 15%;
– повышение эффективности очистки сточных вод до 80%;
– снижение выбросов загрязняющих веществ в атмосферный воздух на 10%;
– перевод 80% общественного транспорта на газобаллонное топливо и электротягу;
– увеличение территории лесного фонда, покрытой лесами, до 4,5 млн га;
– увеличение площади охраняемых природных территорий I — V категорий до 12%;
– увеличение выпуска в природу выращенных в питомниках дроф-красоток, занесенных в Красную книгу, до 4 000 особей в год;
– доведение охвата населения услугами по сбору и вывозу твердых бытовых отходов до 100%;
– увеличение объема переработки образуемых твердых бытовых отходов до 65%;
– увеличение объема переработки специфических отходов (ртутьсодержащие отходы, автопокрышки, аккумуляторы, отработанные масла, отходы упаковок и другие) до 30%.